

ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ИНКЛЮЗИВЛИК АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЛУҒ ҚАДРИЯТ

М.Абдурахмонова,
Социология фанлари доктори, профессор,
Фаргона давлат университети,
Ўзбекистон, Фаргона ш.

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги кунда Ўзбекистонда ақлий ва жисмоний ривожланишида ногиронлиги бўлган ўқувчиларни таълим олишларини ривожлантиришида ихтисослаштирилган мактабларнинг ўрни, тушунчалари, таҳлили ҳамда инклюзив таълим турларини ривожлантириши орқали ҳаётга тайёрлаш ва ривожлантириши каби масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: Ақлий ривожланиш, жисмоний ривожланиш, эҳтиёж, инклюзивлик, сегрегация, интеграция, эксклюзия, инклюдия

KIRISH:

2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг еттига устувор йўналиши бўйича Тараққиёт стратегиясида “Инсон кадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 13-октябрдаги “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4860-сон қарори[1] устувор вазифалар этиб белгиланди. Мазкур қарор билан 2020-2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Концепцияни амалга ошириш бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” тасдиқланди, ва инклюзив таълимни ривожлантириш концепцияси доирасида: умумий ўрта таълим муассасаларининг 51 % да (умумий сонига) инклюзив таълим тизими жорий этилиши; махсус таълим эҳтиёжларига эга бўлган болаларнинг (умумий сонига нисбатан) 40 % умумий ўрта таълим муассасаларида инклюзив таълим бўйича ўқитилиши ҳамда уйда



таълим олиш учун алоҳида эҳтиёжга эга болалар сони (умумий сонига нисбатан) 11 % гача камайиши зарурлиги белгиланган.

МАЗУНИНГ ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ

Ушбу концепция мақсадларига эришиш учун катта ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, 2023-2025 йилларда инклюзив таълим тизими 51 фоиз умумтаълим мактабларида жорий қилиниши ва ушбу таълим шаклига 40 фоиз жалб қилинган имконияти чекланган болаларни мусиқа, рассомчилик, тасвирий санъат, кулолчилик, жисмоний тарбия ва спорт, компьютер, тикувчилик ҳамда бошқа мактабдан ташқари тўғараклар билан қамраб олинади. Шу билан бирга, инклюзив таълимда ўқитиш усуллари такомиллаштирилади ҳамда таълим жараёнига индивидуаллаштириш тамойиллари босқичма-босқич жорий этилиши таъкидланади. Бу каби норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон мактаб таълимида инклюзив таълимни ривожлантириш, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини такомиллаштириш ҳамда уларга кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини яхшилаш заруриятини кўрсатади. Концепция мақсадлари мазмунини кенгроқ тушуниш мақсадида, инклюзив таълим турларига алоҳида тўхталиш жоиз. Жумладан, бугунги кунда Ўзбекистонда жисмоний ёки руҳий ривожланишда нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб - интернатлар (кейинги ўринларда ихтисослаштирилган таълим муассасаси) Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 сентябрдаги 256 - сонли қарор билан тасдиқланган Низомга асосан фаолият юритади. Ихтисослаштирилган таълим муассасалар икки турга бўлинади.

1-жадвал

Ихтисослаштирилган таълим муассаса турлари

	Нуқсон турлари	Ногиронлик турлари	Боланинг мажбурияти	Натижа
	Жисмоний нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган	кар, заиф эшитувчи, кўзи ожиз, зиф кўрувчи, таянч-ҳаракат аъзолари шикастланган, нутқида оғир нуқсони бўлган болалар учун	болалар Давлат таълим стандартларини бажарадилар	белгиланган намунадаги шаходатнома
	Ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган	ақли заиф болалар учун	Давлат таълим стандартларини бажараолмайдилар, улар ДТС асосида ишлаб чиқилган талабларни бажарадилар	таълим олганлиги тўғрисида гувоҳнома



Ихтисослаштирилган таълим муассасасига жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган мактаб ёшидаги, тайёрлов гуруҳларига эса - ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларига қатнамаган – мактаб ёшдаги болалар қабул қилинади. Болаларни ихтисослаштирилган таълим муассасаларига юбориш худудий халқ таълими бошқармалари томонидан, бошқарма хузурида ташкил этилган психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосасига кўра ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар розилиги билан амалга оширилади.

Муассасаларга болалар 7 ёшдан бошлаб, тайёрлов гуруҳларига эса 5-7 ёшдагилар қабул қилинади.

Шунингдек, Ўзбекистонда жисмоний ёки руҳий ривожланишда нуқсони бўлган болаларнинг ногиронлик хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг таълим олишида турли хил ёндашувлар мавжуд. Буларга:

Эксклюзия - таълимдан ташқарида бўлган ногиронлиги бор болалар учун таълим бўлиб, бугунги кунда 13868 нафар ўқувчиларни, улардан 5663 нафари қиз болалар 2020 -2021 - ўқув йилида уйда якка тартибда таълим оладиган ногиронлиги бўлган болалар тоифасини ташкил этмоқда[2](ИЛОВА). Яққол кўришиб турибдики жисмоний ёки руҳий ривожланишда нуқсони бўлган болалар улушида ўғил болаларнинг ҳиссаси юқори.




1-расм. Болаларни таълимга қамраб олинишини эксклюзив шакли

2-диаграмма маълумотларидан кўришиб турибдики, 2020-2021 ўқув йилида жами халқ таълими томонидан жисмоний ва ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун якка тартибдаги уй таълимига қамраб олинган 13868 нафар болаларнинг 27 фоизини ақлий заиф болалар, 25 фоизини таянч ҳараркатланиш аъзолари шикастланган болалар улушига тўғри келмоқда ва энг катта 42 фоизни бошқа турдаги болалар ташкил этмоқда.



2020 -2021 - ўқув йилида уйда якка тартибда таълим оладиган ногиронлиги бўлган болалар



2-диаграмма[3] Халқ таълими тизимида ногиронлиги бўлган болаларни таълимга уйда якка тартибда қамраб олиниши

Сегрегация – ногиронлиги бор болалар учун ихтисослаштирилган махсус мактаб ва мактаб - интернатлар бўлиб, ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернетларда 21,3 минг нафар, 22 та санаторийи туридаги мактаб интернатларда 6,1 минг нафар ўқувчилар таълим – тарбия оламоқдалар[4].



2-расм. Ногиронлиги бўлган ўқувчиларни таълимга қамраб олиниши сегрегация шакли

Демак, инклюзив таълим тизими 1996 йилда Ўзбекистонга кириб келган бўлса ҳам (дунё миқёсида эса 1990 йилдан қўлланила бошлаган)[5], ҳали тўлиқ, сифатли йўлга қўйилмагани сабабли ихтисослаштирилган мактабларда таҳсил олаётган болалар сони йилдан - йилга ортиб борган ва бошқа таълим турларига нисбатан кўпроқни ташкил қилмоқда.

Ўзбекистондаги инклюзив таълим тадқиқотчиси, янги Зеландиядаиялик Вайкато университети докторанти Галина Намнинг таъкидла+шича, ногиронлиги бўлган болалар учун махсус мактаб - интернатларда ёки уйда эмас, балки умумий таълим муассасаларида таълим олиш устувор бўлиши керак[6].



Интеграция – ногиронлиги бор болалар учун умумтаълим мактабларидаги махсус синфлар бўлиб, бугунги Ўзбекистонда ҳар бир туман - шаҳарларда биттадан мактабда, ногиронлиги бўлган болалар хусусиятларидан келиб чиқиб, энг кўпи билан 6 нафарни қамраб олувчи махсус синфлар шакллантирилмоқда.



3-расм. Ногиронлиги бўлган ўқувчиларни таълимга қамраб олинишини интеграция шакли

Инклюзия – ногиронлиги бўлган болалар бошқа болалар билан умумтаълим мактабларида, бунда жисмоний ногиронлиги бўлган болалар, қолган барча болалар билан тенг имкониятда таълим олиш ҳуқуқига эгадирлар. Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни соғлом болалар қаторида умумтаълим мактабларида ўқитиш амалиётини ривожлантириш мақсадида ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларнинг умумтаълим мактабларига интеграциялашуви тажрибаси қўлланилиши натижасида 500 нафарга яқин алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ўқувчилар умумий ўрта таълим мактабларига қайтарилган[7].




4-расм. Ногиронлиги бўлган ўқувчиларни таълимга қамраб олиниши инклюзия шакли



Шу билан биргаликда куйидаги 2-диаграммада қишлоқ ва шаҳар жойларида аҳоли таркибида ногиронлиги бўлган шахслар мавжудлиги ва уларнинг таркибидаги болалар жинс кўрсаткичлари бўйича алоҳида кўрсатилган бўлиб, кўриниб турибдики, ногиронлиги бўлган қиз болаларга нисбатан ўғил болаларнинг сони шаҳар ва қишлоқларда ҳам юқори. Бу таҳлиллар ушбу жойларда ногиронлиги бўлган болалар ногиронлиги хусусиятлари бўйича тадқиқот ўтказиш зурурлигини англатади.

Чунки, Ўзбекистонда давлатнинг болаларни, ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсати – бу ҳар қандай шароитда ҳам, ҳаётнинг турли соҳаларида – болаларнинг яшаш фаровонлиги, яъни таълим олиш ҳуқуқи таъминлашга, саломатлигини мустаҳкамлашга, дам олиш ҳуқуқи, бўш вақтни мароқли ўтказиш, меҳнат қилиш ҳуқуқи кабиларга мувофик шароитларни таъминлашга қаратилгандир.



2-

диаграмма. Ўзбекистон аҳоли сонига нисбатан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ёш гуруҳлари, жинси, шаҳар қишлоқ жойлар кесимида тақсимланиши (киши)

Аҳолининг ногиронлиги давлат ва жамият дуч келадиган муаммолардан бири бўлиб, ижтимоий сиёсатнинг тегишли таркибий қисмидан ташқари, уни амалга ошириш воситаси ва махсус тайёрланган кадрларни талаб қилади. Ушбу функцияларни бажарадиган ижтимоий ҳодиса ижтимоий иш бўлиб, уни профессионаллар - ижтимоий иш бўйича мутахассислар ва амалиётчи - парапрофессионаллар, кўнгилчилар ва валеонтирлар амалга оширадилар.

Ижтимоий иш - давлат, жамоат, шахсий (ихтиёрий), тижорат даражасида ташкил этилган, раҳм-шафқат ва хайриянинг умуминсоний қадриятларига асосланган, ижтимоий заиф шахслар ва жамоаларга уларнинг нормал ҳаёти ва шахсий ҳаётини тиклаш учун ёрдам беришга қаратилган фаолият. Ижтимоий ишнинг асосий вазифаси инсонни қондириши керак бўлган ижтимоий сиёсат, хизматлар ва дастурларни амалга оширишга ҳисса қўшиш, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланган ҳолда муҳтож одамларнинг фаолиятини тиклаш, сақлаш ёки мустаҳкамлашдир.

Ногиронлиги бўлган болаларни умумтаълим мактабларига Ижтимоий иш касби орқали қўшиш кўплаб мамлакатларда кенг миқёсда тан олинган ва қабул қилинган. Жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганганилганда мактабларда ногиронлиги бўлган болалар билан ижтимоий иш амалиётида ижтимоий ишнинг ихтисослашган шакли бўлган мактабдаги



ижтимоий иш касбий фаолияти орқали амалга оширилади. Дастлаб, умумтаълим мактабларида ижтимоий иш амалиёти АҚШнинг Нью-Ёрк штати дастури асосида ўз фарзандларининг эҳтиёжларини қондириш мақсадида, оила ва мактаб ўртасидаги яқин ҳамкорликка интилиш натижасида 1906 - 1907 йилларда АҚШнинг Нью-Йорк, Чикаго, Бостон ва Хартфорд, Коннектикут штатларида ўқитувчилар хизмати сифатида ташкил этилган[8]. Мактабларда оила-мактаб ҳамкорлигини таъминлайдиган биринчи мактаб ижтимоий ишчилари, “ташриф буюрадиган ўқитувчилар” деб номланган. Ижтимоий ишчилар махсус таълимга муҳтож болалар, жумладан, умумий мактаблардаги ногирон болалар каби заиф одамларга ёрдам кўрсатишда муҳим вазифаларга эга. Масалан, ижтимоий ишчилар ногирон болалар учун маслаҳат ёрдами кўрсатишади, бу эса уларга ногирон бўлмаган тенгдошлари билан муносабатларида ёрдам беради.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган болаларнинг инклюзив таълими улар учун соғлом болалар билан тенг яшаш шароитларини яратишдан иборат бўлиб, ижтимоий иш мутахассисларининг роли ушбу шарт-шароитларни яратиш ва самарали фаолият юритишда энг фаол иштирок этиши зарур. Бу вазифани ижтимоий иш ходими ёлғиз бажара олмайди, ҳамкорликни талаб этади, бундай ҳамкорликда бутун жамият манфаати, унинг учта тармоғи: оила, мактаб ва жамоатчиликнинг ижтимоий ҳамкорлиги зарур. Чунки, “ижтимоий иш” концепциясининг ўзи, мазмунан “инсон – инсон”, “инсон – атроф – муҳит”, “инсон – жамият” схемаларини амалга оширишни ўз ичига олади ва энг муҳим талабни қўяди, бунинг учун шарт-шароитларни яратиш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида урғу берилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://lex.uz/docs/-5044711>
2. <https://www.uzedu.uz/uz/nogironligi-bulgan-bolalarni-talim-olislari-ucun-aratilgan-saraitlarni>
3. Халқ таълими тизимида ногиронлиги бўлган болаларни таълим олишлари учун яратилган шароитларни яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар. <https://www.uzedu.uz/uz/nogironligi-bulgan-bolalarni-talim-olislari-ucun-aratilgan-saraitlarni> асосида муаллиф томонидан яратилди.
4. <https://www.uzedu.uz/uz/nogironligi-bulgan-bolalarni-talim-olislari-ucun-aratilgan-saraitlarni> маълумотлари.
5. Шомахмудова Р. Инклюзив таълим (Халқаро ва Ўзбекистондаги тажрибалар) . – Тошкент, 2011. – Б. 8.
6. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/06/09/education-law/>
7. Халқ таълими тизимида ногиронлиги бўлган болаларни таълим олишлари учун яратилган шароитларни яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар. <https://www.uzedu.uz/uz/nogironligi-bulgan-bolalarni-talim-olislari-ucun-aratilgan-saraitlarni>
8. Mears PA, Washington OR, Welsh BL. Social Work Services in Schools, Allyn and Bacon, Boston, 1996.
9. Абдурахмонова, М. М. (2021). Теории межсекторальных подходов к защите детей. *Человек. Наука. Социум*, (2), 62-74.
10. Абдурахмонова, М. М. (2021). Необходимость изучения общественного мнения для принятия эффективных решений в школе. *Человек. Наука. Социум*, (1), 33-46.



11. Абдурахмонова, М. М., & Маллабоев, Ш. А. (2016). Узбекская модель развития малого предпринимательства. *Ученый XXI века*, 62.
12. Абдурахмонова, М. М., & Содикова, Д. Ш. (2020). Efficiency of management of higher education institutions in the preparation of qualified personnel. *Человек. Наука. Социум*, (2), 8-27.
13. Абдурахмонова, М. М. (2021). Мактабларда самарали карор қабул қилиш учун жамоатчилик фикрини ўрганиш зарурияти. *Журнал Социальных Исследований*, (SPECIAL ISSUE 1).
14. Абдурахмонова, М. М., & Орипов, А. (2019). Основные направления и приоритеты научной актуализации информационной парадигмы гражданского общества. *Мировая наука*, (12), 56-59.
15. Абдурахмонова, М. М., & Мирзажонов, Ж. (2020). Роль конституции в построении правового государства и гражданского общества. *Теория и практика современной науки*, (3), 9-11.
16. Абдурахмонова, М. М., & Маллабоев, Ш. А. (2016). Uzbek model of small business development. *Учёный XXI века*, (3-4 (16)), 58-63.
17. Madaliyeva, F., & Abduraxmonova, M. (2021). O'zbekistonda maktab bitiruvchi o'quvchilarini kasb-hunar bilan ta'minlashda ijtimoiy ish amaliyoti. *Студенческий вестник*, (8-3), 94-95.
18. Abduraxmonova, M., & A'zamova, Z. (2021). O'zbekistonda pensiya ta'minoti tizimini shakllantirishning muhim jihatlari. *Интернаука*, (7-2), 91-93.
19. Sharipova, K., & Abduraxmonova, M. (2021). O'zbekiston maktablarida mehribonlik uylari tarbiyalanuvchisi bo'lgan o'quvchilar bilan ijtimoiy ish amaliyoti istiqbollari. *Студенческий вестник*, (8-3), 82-83.
20. Abdurakhmonova, M., Karimova, G., & Karimova, M. (2021). Role of ethical culture in preventing violence among spupils. *Интернаука*, (11-2), 50-51.
21. Abdurakhmonova, M. M., Akramov, D. O., & Egamberdiev, F. A. (2020). Conceptual aspects of the development of social work in the new social protection system of Uzbekistan. *Chief Editor*, (5), 8.
22. Abdurakhmonova, M. M. ugli Mirzayev, MA, Karimov, UU, & Karimova, GY (2021). Information Culture And Ethical Education In The Globalization Century. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(03), 384-388.
23. Abdurakhmonova, M. M., Akramov, D. O., & Egamberdiev, F. A. Conceptual aspects of the development of social work in the new social protection system of Uzbekistan. *Chief Editor*.
24. Abdurakhmonova, M. (2020). World practical experience of developing a school-oriented sphere of professional activity of social work. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(6), 1181-1186.
25. Абдурахманова, М. М., & Тургунбоев, А. Ф. (2022). Формирование Рынка Труда Как Фактор Развития Народного Хозяйства. *Central Asian Journal of Theoretical and Applied Science*, 3(8), 1-6.
26. Абдурахманова, М., Хонкелдиева, К., & Тургунбоев, А. (2022). ФОРМИРОВАНИЕ ОБЩЕСТВЕННОГО МНЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ КАК УСЛОВИЕ ЭФФЕКТИВНОЙ РЕАЛИЗАЦИИ ЦЕЛЕВЫХ КОМПЛЕКСНЫХ ПРОГРАММ В РЕГИОНЕ. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 1(12), 878-882.



27. Абдурахмонова, М. М., & Тургунбоев, А. Ф. (2022). БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ–ЖАМИЯТ ХАЁТИНИНГ БОШ БЎҒИНИ СИФАТИДА. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(11), 704-709.
28. Абдурахмонова, М. М., & Тургунбоев, А. Ф. (2022). ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ОМИЛЛАРИ, ШАКЛЛАРИ ВА ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Research Focus*, 1(1), 324-326.
29. Abdurakhmonova, M. M., & Turgunboyev, A. F. (2023). АНОЛИГА СИФАТЛИ ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАР КО‘РСАТИШДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИГА ТАЯНИШ САМАРАДОРЛИГИ. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 2(22), 192-200.

